# «Ўзкимёсаноат» АЖ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда “ACWA Power UKS Green H2" қўшма корхонаси ўртасида Кредит ва Кафолат шартномалари имзоланди.

// 12 sentabr 2024 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-evropa-tiklanish-va-taraqqiyot-banki-hamda




«Ўзкимёсаноат» АЖ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда “ACWA Power UKS Green H2" қўшма корхонаси ўртасида Кредит ва Кафолат шартномалари имзоланди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида МДҲ давлатлари ва Ўрта Осиёда ягона бўлган яшил водород ишлаб чиқаришни ташкил этиш йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида электролизерлар ўрнатиш орқали водород ишлаб чиқариш ва электролизерлар истеъмолини қоплаш учун шамол турбиналарини ўрнатиш режалаштирилган.

Аҳамиятлиси, жорий йилнинг 10 сентябрь куни «Ўзкимёсаноат» АЖ раҳбарияти, «ACWA Пowэр» компанияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари иштирокида, лойиҳани молиялаштириш учун энг йирик молия институтларидан бири - Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан  кредит ресурслари (Эқуитй Бридге Лоан) жалб қилиниши юзасидан Кредит ва Кафолат шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозим, мазкур ўзлаштирилаётган паст фоизли кредит ресурслари давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилади.




Uzkimyosanoat
"O'zkimyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26


"YASHIL VODORODNI ISHLAB CHIQARISH" LOYIHASI DOIRASIDA
KREDIT VA KAFOLAT SHARTNOMALARINI IMZOLASH MAROSIMI
Toshkent shahri, 2024-yil 10-sentabr
SIGNING CEREMONY FOR LOAN AGREEMENT AND GUARANTEE AGREEMENT
FOR GREEN HYDROGEN PILOT PROJECT IN UZBEKISTAN
Tashkent city, September 10th, 2024
Uzkimyosanoat
"O'zkimyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26




**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**